

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**Барча соҳа ва тармоқлар учун МҲХСга асосан
молиявий ҳисоботларни тузиш бўйича
УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР**

Тошкент-2026

Мундарижа

1. Умумий қоидалар	Ошибка! Закладка не определена.
2. Молиявий ҳисоботнинг мақсади ва тамойиллари.....	3
3. Молиявий ҳисоботни расмийлаштириш ва чоп этишга қўйиладиган талаблар	7
4. Молиявий ҳисоботларнинг ҳисобот даври ва ҳисобот муддатлари	7
5. Функционал валюта ва ҳисобот тақдим этиш валютаси	7
6. Консолидациялашган ва алоҳида молиявий ҳисоботлар.....	8
7. Молиявий ҳисоботларнинг тузилиши ва таркиби	8
8. Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот (Баланс)	9
9. Умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот	11
10. Ҳусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот	13
11. Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот	13
12. Молиявий ҳисоботга изоҳлар.....	14

1. Умумий (қоидалар)

1.1. Мазкур услубий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Бухгалтерия ҳисоби методологияси ва аудиторлик фаолиятини тартибга солиш бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 сентябрдаги ПҚ-282-сонли “**Молиявий ҳисоб тизимини халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги қарорининг ижросини таъминлаш, шунингдек, Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (кейинги ўринларда – МХХС) асосида ҳисобот тузувчи ташкилотларга (кейинги ўринларда – ташкилот) МХХСни қўллаш бўйича усулбий ёрдам кўрсатиш мақсадида ишлаб чиқилган.

1.2. МХХСга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисобот ташкилотнинг молиявий ҳолати, фаолиятининг молиявий натижаси ва пул маблағлари ҳаракати тўғрисида маълумот олиш учун қонунчиликда ёки шартномада белгиланган ҳуқуқга эга бўлган барча фойдаланувчиларга тақдим этиладиган умумий мақсадли молиявий ҳисобот ҳисобланади.

1.3. Услубий тавсиялар қонун ёки шартномага мувофиқ махсус молиявий ҳисоботларни олиш ҳуқуқига эга бўлган алоҳида фойдаланувчилар учун тайёрланиши мумкин бўлган махсус молиявий ҳисоботларга нисбатан тадбиқ этилмайди.

1.4. Услубий тавсияларда келтирилган ҳисобот таърифларида фойда олиш мақсадига эга бўлган хусусий мулк шаклидаги ташкилотларга мос келадиган атамалардан фойдаланилади.

2. Молиявий ҳисоботнинг мақсади ва тамойиллари

2.1. МХХСга мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботнинг мақсади кенг доирадаги фойдаланувчиларга ташкилотнинг тўлов қобилияти ва барқарорлиги, унинг келажакда ривожланиши прогнозлари, келгусида мумкин бўлган пул маблағлари тушуми ва чиқими тўғрисида қарор қабул қилишда фойдали бўладиган, ташкилотнинг молиявий ҳолати, фаолиятининг молиявий натижаси ва пул оқимлари тўғрисида маълумот тақдим этишдан иборат. Шунингдек, молиявий ҳисобот ташкилот ресурсларини бошқариш бўйича раҳбарият фаолиятининг натижаларини кўрсатади.

2.2. Молиявий ҳисоботларда қуйидаги кўрсаткичлар тўғрисида маълумот тақдим этилади:

- активлар;
- мажбуриятлар;
- хусусий капитал;
- фойда ва зарарни ўз ичига олган ҳолда даромадлар ва харажатлар;
- мулкдорлардан олинган қўйилмалар ва ушбу хусусиятга эга бўлган мулкдорларга тақсимланган миқдорлар тўғрисида;
- пул оқимлари.

2.3. Молиявий ҳисоботни МХХСга мувофиқ тузиш молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этишда умумий жиҳатларни белгиладиган асосий тамойилларга (тахминларга) амал қилишни ўз ичига олади:

- а) ҳаққоний тақдим этиш ва МХХСга мувофиқлик;
- б) фаолиятнинг узлуксизлиги тўғрисида фараз;
- в) ҳисоблаш усули;
- г) муҳимлик ва бирлаштириш;
- д) ўзаро ҳисоб-китоб;
- е) ҳисоботни тақдим этиш даврийлиги;

ж) ҳисоботни тақдим этиш изчиллиги.

а) Ҳаққоний тақдим этиш ва МҲХСга мувофиқлик

Молиявий ҳисоботлар ташкилотнинг молиявий ҳолатини, молиявий натижаларини ва пул оқимларини ҳаққоний тақдим этиши лозим. Ҳаққоний тақдим этиш операцияларнинг, бошқа ҳодисаларнинг ва шароитларнинг оқибатларини Концептуал асосда келтирилган активлар, мажбуриятлар, даромадлар ва харажатларнинг таърифларига ва тан олиш мезонларига мувофиқ тўғри (ҳаққоний) акс эттиришни талаб этади.

Ҳаққоний тақдим этиш ташкилотдан қуйидагиларни ҳам талаб этади:

- 8-сон “Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар” Бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлари (БҲХС, IAS)га мувофиқ ҳисоб сиёсатини танлаш ва қабул қилиш;

- Ҳисоб сиёсатини ўз ичига олган маълумотларни тегишли, ишончли, таққосланадиган ва тушунарли маълумотларни тақдим этилишини таъминлайдиган тарзда тақдим этиш;

- МҲХСлардаги муайян талабларга мувофиқ фойдаланувчилар маълум операциялар, бошқа ҳодисалар ва шароитларнинг ташкилотнинг молиявий ҳолатига ва молиявий натижаларига таъсирини тушуниб олиши учун етарли бўлмаганда қўшимча маълумотларни ёритиб бериш.

Агар ташкилот МҲХСнинг барча талабларига амал қилсагина, молиявий ҳисоботнинг ишончилигига эришилади. Молиявий ҳисоботи МҲХСга мос келадиган ташкилот бундан молиявий ҳисоботга Изоҳларга ушбу мувофиқлик тўғрисида мувофиқликнинг ошқора ва шартсиз изоҳини киритиш орқали тасдиқлаши лозим. Шунинг билан бирга ҳисоботлар ҳар бир стандартнинг барча талабларига ва Шарҳлар бўйича доимий қўмитанинг кучга кирган амалдаги шарҳларига жавоб бериши МҲХСга мувофиқликни англатади.

Фақатгина раҳбарият МҲХСнинг қандайдир талабларига амал қилиш молиявий ҳисоботларда тақдим қилинадиган маълумотга доир чалкашликка олиб келади деган хулосага келган ҳолларда ташкилот МҲХСнинг бундай талаблардан воз кечиши мумкин. Шунинг билан бирга бундай воз кечиш тегишли қонуний тартибга солувчи меъёрлар билан таъқиқланмаслиги, ҳамда улар молиявий ҳисоботлар Изоҳларда ёритиб берилиши лозим.

б) Фаолиятнинг узлуксизлиги тўғрисида фараз

Молиявий ҳисоботларни тайёрлашда ташкилот раҳбарияти ташкилотнинг ҳисобот даври тугаганидан кейин камида 12 ой давомида ўзининг узлуксиз фаолиятини давом эттириш имкониятини баҳолаши лозим.

Бундай баҳолаш натижасида учта хулоса келиб чиқиши мумкин:

- *фаолиятнинг узлуксизлиги тўғрисидаги фараз амал қилиши*: Одатда, раҳбарият бундай хулосага ташкилотни тугатиш ёки унинг фаолиятини тўхтатиш нияти ҳам, зарурияти ҳам бўлмаган вазиятда келади. Бундай вазиятда баҳолаш, тақдим этиш ва маълумотларни ёритиб бериш танланган ҳисоб сиёсатига мувофиқ амалга оширилади;

- *раҳбарият ташкилотни тугатиш ёки унинг фаолиятини тўхтатиш ниятида эмас, лекин раҳбариятни ташкилотни тугатиш ёки унинг фаолиятини тўхтатишига мажбур қиладиган ноҳуш натижалар ҳодиса ёки шароит мавжудлиги*. Молиявий ҳисобот санасига натижалари олдиндан айтишнинг имкони йўқ. Бундай вазиятда молиявий ҳисобот фаолиятнинг узлуксизлиги тўғрисидаги фараздан фойдаланган ҳолда тайёрланади, лекин ташкилот фаолиятини узлуксиз давом эттириш имкониятига шубҳа чақирувчи барча ҳодиса ва шароитлар, шунингдек бундай ҳодиса ва шароитларга боғлиқ ноаниқликлар молиявий ҳисоботларга изоҳларда ёритиб берилиши лозим;

- *ташкилот узлуксиз фаолиятини давом эттирмайди, чунки раҳбарият ўзи ташкилотни тугатиш ёки унинг фаолиятини тўхтатишни ният қилмоқда ёки бундан бошқа ҳақиқий муқобил чора мавжуд эмаслиги*. Бундай вазиятда ҳисобот фаолиятнинг узлуксизлиги тўғрисидаги фаразга асосан тайёрланмаслиги лозим. Ҳисоботни тайёрлаш ва

ташкilot узлуксиз фаолият юритувчи деб ҳисобланмаслигига сабабларнинг асослари молиявий ҳисоботларга изоҳларда ёритиб берилади.

в) Ҳисоблаш усули

Пул оқимлари тўғрисидаги маълумотлардан ташқари молиявий ҳисоботлар ҳисоблаш усули бўйича ҳисобга асосан тайёрланган бўлиши лозим. Ушбу усулга мувофиқ операциялар ва бошқа ҳодисалар вужудга келишига кўра (пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентларини олиш ёки тўлаш пайтида эмас) тан олинади, тегишли бўлган даврда ҳисоб ва молиявий ҳисоботларда акс эттирилади. Ҳисоблаш усулидан фойдаланганда активлар, мажбуриятлар, капитал, даромадлар ва харажатлар (молиявий ҳисоботларнинг элементлари) *Молиявий ҳисоботларни тақдим этишининг концептуал асосида* кўзда тутилган тан олиш таърифлари ва меъзонларига жавоб бериш шартини бажарганда молиявий ҳисоботларда тан олинади.

г) Муҳимлик ва бирлаштириш

Бу тамойилдан фойдаланиш молиявий ҳисоботлар хусусияти ва мақсадини ҳисобга олган ҳолда маълум бир тарзда жамланадиган (бирлаштириладиган) ва гуруҳланадиган кўплаб битим ёки ҳодисаларни қайта ишлаш натижасида бўлишини талаб этади. Гуруҳлаш даражаси ёки бузилиш тафсилоти ташкilot раҳбариятининг мулоҳазасига боғлиқ. Маълумотларнинг ортиқча тафсилоти ёки умумлаштирилиши маълумотни тушунишга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Муҳимлик тамойили куйидагиларни англатади:

ўхшаш моддаларнинг ҳар бир муҳим гуруҳи молиявий ҳисоботларда алоҳида акс эттирилган бўлиши лозим;

хусусияти ёки мақсади бўйича фарқ қилувчи моддалар, улар муҳим бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно, алоҳида акс эттирилиши лозим.

1-сон “Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш” БҲХС муҳимлик тушунчасини куйидаги мазмунда таърифланади: *“Маълумот агар тушириб қолдирилган, нотўғри талқин қилинган ёки яшириниши натижасида умумий мақсаддаги молиявий ҳисоботнинг асосий фойдаланувчилари томонидан қабул қилинадиган қарорларга таъсир қилиши кутилса у муҳим ҳисобланади.”*

Муҳимлик маълумотнинг хусусияти ёки миқдорий аҳамиятига ёки ҳар иккаласига боғлиқ. Ташкilot маълумотни (алоҳида олган ҳолда ёки бошқа маълумотлар билан биргаликда) умумий қараганда молиявий ҳисоботлар мазмунида муҳим ҳисобланиш ёки ҳисобланмаслигини баҳолайди.

Шунинг учун агар маълумот муҳимлик тушунчасига жавоб бермаса маълумотларни ёритиб бериш тўғрисидаги талаб бажарилмаслиги мумкин.

Маълумотни тушириб қолдириш ёки нотўғри кўрсатиш фойдаланувчиларнинг иқтисодий қарорларига таъсирини, яъни маълумотнинг муҳимлигини баҳолашда фойдаланувчиларнинг ўзига хослигини ҳамда бу маълумот уларнинг қарор қабул қилишига таъсир қилиши мумкинлигини ҳисобга олиш лозим. Шу билан бирга фойдаланувчилар бизнес ва иқтисодий фаолият соҳасида етарли билимга эга бўлиши тақдим этилган маълумотни ўрганиш ва таҳлил қилишга тайёр бўлиши тахмин қилинади.

д) Ўзаро ҳисоб-китоб

Активлар ва мажбуриятлар ёки даромадлар ва харажатлар нетто асосда (яширинган шаклда, ўзаро ҳисоб-китоб орқали) тақдим этилмаслиги лозим. Операция ёки бошқа ҳодисаларнинг моҳиятини акс эттирган ҳоллардан бошқа ҳолатларда молиявий ҳисоботларда ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш фойдаланувчиларнинг содир бўлган операциялар, бошқа вужудга келган ҳодисалар ва шароитларни тушуниш, шунингдек ташкilotнинг келгусидаги пул оқимларини прогнозлаштиришини қийинлаштиради. Истисно ҳолатлар қайсидир МҲХС томонидан талаб қилинган ёки рухсат берилган акс эттириш ҳолларидан иборат. Шу билан бирга, активларни баҳоланган резервларни чегирган

ҳолда соф қийматда баҳолаш ўзаро ҳисоб-китоб ҳисобланмайди. Масалан, захираларни уларнинг эскириши учун баҳоланган резервларни чегирган ҳолда баҳолаш ёки дебиторлик қарзларини шубҳали қарзлар бўйича баҳоланган резервларни чегирган ҳолда баҳолаш.

1-сон “Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш” БҲҲС ва 7-сон “Молиявий инструментлар: маълумотларни ёритиб бериш” МҲҲСга мувофиқ даромадлар ва харажатлар (фоиз кўринишидаги даромад ва харажатлар) молиявий ҳисоботларда ўзаро ҳисоб-китобга тушмайди. Улар тўлиқ акс эттирилган ҳолда тақдим этилиши лозим.

е) Ҳисоботни тақдим этиш даврийлиги

Молиявий ҳисоботнинг тўлиқ тўплами (қиёсий маълумотни ўз ичига олган ҳолда) камида ҳар йили тақдим этилади. Агар ташкилот ўзининг ҳисобот даврининг тугаш санасини ўзгартирса ва молиявий ҳисоботни бир йилдан кўп ёки кам давомийликдаги муддат учун тақдим этса, у молиявий ҳисобот тузилган даврга қўшимча равишда қуйидаги маълумотларни ёритиб бериши лозим:

- кўпроқ ёки камроқ давомийликдаги муддатдан фойдаланиш учун асос;
- молиявий ҳисоботда тақдим этилган миқдорларнинг тўлиқ таққосланувчан эмаслиги тўғрисида маълумот.

ж) ҳисоботни тақдим этиш изчиллиги

Турли даврлар учун молиявий ҳисоботларни тайёрлашда моддаларни акс эттириш ва гуруҳлашнинг бир хил тартибидан фойдаланиш лозим. Қуйидаги истисно ҳолатлар мавжуд:

- моддаларни акс эттириш ва гуруҳлашнинг бошқа тартиби (МҲҲСда белгиланган ҳисоб сиёсатини танлаш ва қўллаш меъзонларини ҳисобга олган ҳолда) янада мақбулроқ бўлганда;

- МҲҲСнинг ўзида назарда тутилган тақдим этиш ёки гуруҳлашдаги ўзгаришлар бўйича талаб бўлганда.

2.4. Жорий давр учун молиявий ҳисоботда акс эттирилган барча миқдорлар бўйича олдинги давр билан қиёсий маълумот тақдим этилиши лозим. Бошқа МҲҲСлар бошқа шартларга рухсат берадиган ёки талаб қиладиган ҳолатлар истисно ҳолатлар ҳисобланади. Ташкилот жорий давр молиявий ҳисоботини тушуниш учун муҳим бўлган тавсифлаш ва тушунтириш таснифидаги маълумотларга доир қиёсий маълумотларни киритиши лозим.

Баъзи ҳолларда қўшимча қиёсий маълумотларни тақдим қилиш талаб қилинади. Масалан, қуйидаги ҳолларда:

- ҳисоб сиёсатининг қандайдир талабини ретроспектив равишда қўллаганда;
- хатоликни ретроспектив равишда тўғирлаганда;
- ўзининг молиявий ҳисоботидаги моддаларни қайта гуруҳлаганда, ташкилот олдинги давр боши ҳолатига молиявий ҳолат тўғрисидаги учинчи ҳисобот (баланс) ва тегишли изоҳларни тақдим этиши лозим.

Бундай ҳолатларда ташкилот қуйидаги саналар бўйича молиявий ҳолат тўғрисидаги учта ҳисоботни тақдим этиши лозим:

- жорий давр якуни бўйича;
- олдинги давр якуни бўйича;
- олдинги давр боши бўйича.

Баъзи ҳолларда олдинги давр учун молиявий ҳисоботларда тақдим этилган сифатли маълумотлар жорий давр учун ҳам муҳим бўлади. Масалан, олдинги ҳисобот санасида натижаси номаълум бўлган ва ҳалигача тугатилмаган суд жараёнлари тўғрисидаги маълумотлар жорий ҳисобот даврида ёритиб берилади. Фойдаланувчилар учун олдинги даврда ноаниқлик бўлганлиги, шунингдек ушбу ноаниқликларни ҳал қилиш учун ҳисобот даври мобайнида амалга оширилган чоралар тўғрисидаги маълумотлар зарур бўлиши мумкин.

Молиявий ҳисобот моддаларни акс эттириш ва гуруҳлаш тартибида ўзгариш бўлганда, агар қайта гуруҳлаш амалий жиҳатдан мумкин бўлса, қиёсий миқдорларни қайта

гурухлаш талаб қилинади. Шу билан бирга қуйидагиларни ёритиб бериш зарур:

- қайта гурухлаш хусусияти;
- қайта гурухланган ҳар бир модда ёки моддалар гуруҳи суммаси;
- қайта гурухлаш сабаби.

Агар қиёсий суммани қайта гурухлаш амалий жиҳатдан иложсиз бўлса, қуйидагиларни ёритиб бериш зарур:

- ушбу суммалар қайта гурухланмаслигига сабаб;
- агар кўрсатилган миқдорлар қайта гурухланган бўлса, амалга оширилган тузатишлар хусусияти.

3. Молиявий ҳисоботларни расмийлаштириш ва эълон қилишга қўйиладиган талаблар

3.1. Ташкилот ҳар бир молиявий ҳисобот ва изоҳни аниқ белгилаши лозим. Бундан ташқари, агар тақдим этилган маълумотларни тўғри тушуниш учун зарур бўлса, ташкилот қуйидаги маълумотни ажратиб кўрсатиши ёки уни тақдорлаши лозим:

- молиявий ҳисоботни тақдим қилаётган ташкилотнинг номи ёки бошқа фарқловчи хусусиятлари, шунингдек олдинги ҳисобот даври билан солиштирган ҳолда ушбу маълумотлардаги ҳар қандай ўзгаришлар;

- мазкур молиявий ҳисобот алоҳида ташкилотнинг ёки ташкилотлар гуруҳининг ҳисоботи ҳисобланиши;

- ҳисобот даври тугаш санаси ёки мазкур молиявий ҳисоботлар тўплами ёки изоҳлар тегишли бўлган давр;

- 21-сон “Валюта курсларидаги ўзгаришларнинг таъсирлари” БҲХСда белгилангани каби молиявий ҳисоботни тақдим этиш валютаси;

- молиявий ҳисоботда кўрсатилган суммаларни яхлитлаш даражаси.

3.2. Молиявий ҳисобот раҳбар ва бош ҳисобчи ёки бошқа ваколатли шахслар томонидан имзоланади. Ташкилот раҳбарияти унинг молиявий ҳисоботларини тайёрлаш ва тақдим этиш учун жавобгардир.

3.3. Ташкилотлар ўзининг молиявий ҳисоботини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ чоп этадилар. Молиявий ҳисоботни чоп этиш тартиби ташкилотнинг ваколатли органи томонидан белгиланади.

4. Ҳисобот даври ва ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари

4.1. Йиллик молиявий ҳисоботлар ҳисобот йилининг 1 январидан шу йилнинг 31 декабрига қадар бўлган давр учун тузилади. Янги ташкил этилган юридик шахслар учун биринчи ҳисобот даври юридик шахс ҳуқуқларини олган кундан шу йилнинг 31 декабригача бўлган давр, юридик шахс ҳисобланмайдиган ташкилотлар учун эса давлат органларида рўйхатдан ўтган кундан бошланадиган давр ҳисобланади. Агар юридик шахс (бюджет ташкилотларидан ташқари) 1 октябрдан кейин рўйхатдан ўтган бўлса, биринчи ҳисобот йили кейинги йилнинг 31 декабрида тугайди.

4.2. Молиявий ҳисобот солиқ органларига, таъсис ҳужжатларига мувофиқ таъсисчиларга, давлат статистика органларига, қонунчиликка мувофиқ бошқа органларга тақдим этилади. Молиявий ҳисобот солиқ органларига ва бошқа фойдаланувчиларга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган муддатларда тақдим этилади.

5. Функционал валюта ва ҳисобот тақдим этиш валютаси

5.1. Ташкилот молиявий ҳисоботни функционал валютада тайёрлайди. Функционал валюта – бу ташкилот ўзининг фаолиятини амалга оширадиган асосий иқтисодий муҳитда фойдаланиладиган валютадир.

Функционал валюта ҳар доим ҳам миллий валюта билан бир хил эмас. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фаолиятни олиб боровчи ташкилотлар, муайян шароитларда МҲХСга мувофиқ молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун ўзбек сўмидан бошқа валютадан фойдаланишга мажбур бўлиши мумкин. Ташкилотлар учун қайси валюта функционал эканлигини аниқлаш учун 21-сон “Валюта курсларидаги ўзгаришларнинг таъсирлари” БҲХСнинг тегишли қоидаларига эътибор қаратишга тўғри келади.

5.2. Қайси валюта функционал бўлишидан қатъий назар ташкилот умумий мақсаддаги молиявий ҳисобот тақдим этиши лозим бўлган валюта (ҳисобот тақдим этиш валютаси) сўм ҳисобланади. Бошқа валютада тайёрланган молиявий ҳисобот 21-сон “Валюта курсларидаги ўзгаришларнинг таъсирлари” БҲХСда белгиланган қоидалар бўйича ҳисобот тақдим этиш валюта – сўмда қайта ҳисобланган бўлиши лозим.

6. Консолидациялашган ва алоҳида молиявий ҳисоботлар

6.1. 10-сон “Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар” МҲХСдаги таърифлар бўйича бош ташкилот ҳисобланадиган ташкилот мазкур МҲХСда белгиланган тартибда шўъба ташкилотга инвестицияларини консолидациялашган молиявий ҳисоботларда тақдим этади. Фақатгина 10-сон МҲХСнинг 4-бандида кўрсатилган швартларга жавоб берадиган бош ташкилотлар консолидациялашган молиявий ҳисоботлар тақдим этишдан озод этилади.

6.2. Бош ташкилот алоҳида мақсадлар учун алоҳида (консолидациялашмаган) ҳисоботларни тайёрлаши мумкин. Бундай ҳолларда ҳисобот алоҳида ҳисобот сифатида аниқ белгиланиши лозим.

6.3. Консолидациялашган ҳисоботларга киритилиши керак бўлган ташкилотга эга бўлмаган ташкилотнинг молиявий ҳисоботи алоҳида ҳисобот ҳисобланмайди ва алоҳида ҳисобот сифатида белгиланмаслиги лозим.

6.4. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ алоҳида молиявий ҳисоботларни тайёрлаш талаб қилиниши мумкин.

7. Молиявий ҳисоботларнинг тузилиши ва таркиби

7.1. Молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўплами қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ҳисобот даври охири бўйича молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот (Баланс);
 - ҳисобот даври учун қуйидаги шаклларда тақдим этилиши мумкин бўлган умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот:
 - ✓ умумлашган даромад тўғрисидаги ягона ҳисобот ёки
 - ✓ иккита алоҳида ҳисоботлар – молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ва умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот;
 - ҳисобот давр учун хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот;
 - ҳисобот давр учун пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;
 - ҳисобот сиёсатидаги аҳамиятли талаблардан иборат изоҳлар ва бошқа тушунтириш тусидаги маълумотлар;
 - олдинги давр бошига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот – агар ташкилот:
 - ✓ ҳисобот сиёсатининг қайсидир талабини ретроспектив равишда қўлласа;
 - ✓ ўзининг молиявий ҳисоботларида моддаларни ретроспектив равишда қайта ҳисоблашни амалга оширса;
 - ✓ ўзининг молиявий ҳисоботларида моддаларни қайта гуруҳласа.
- Агар молиявий натижалар тўғрисидаги алоҳида ҳисобот тақдим этилса, у молиявий

ҳисоботларнинг тўлиқ тўпламининг бир қисмига айланади ва умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботдан олдин дархол жойлашган бўлиши лозим.

7.2. 1-сон “Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш” БҲХС ҳисоботда моддаларнинг тақдим этилиши лозим бўлган тартиби ёки шаклини белгиламайди. Ушбу стандартнинг тегишли бандлари, асосан алоҳида тақдим этилиши керак бўлган моддалар рўйхатини келтиради, шунингдек алоҳида ҳисоботларни тузишнинг амалдаги усуллари белгилайди.

Ташкилот тўғри маълумотларни фойдаланувчиларга тақдим этадиган ҳисобот шаклини ўзи тузиши лозим.

7.3. Ташкилотлар солиқ органларига МҲХСга мувофиқ молиявий ҳисоботларни топширишда уларни **pdf (чоп этиш учун тасдиқланган) форматда** тақдим этади. **Давлат даражасида маълумотларни жамлаш учун ташкилотлардан молиявий ҳисоботларнинг электрон шакллари тўлдириш талаб қилиниши мумкин.** Ушбу шакллар молиявий ҳисоботга қўшимча моддаларни қўшишга имкон беради.

8. Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот (Баланс)

8.1. Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот (Баланс) молиявий ҳисоботнинг учта асосий элементини ўз ичига олади:

- активлар – ташкилот томонидан бошқариладиган олдинги операциялар натижаси бўлган мавжуд иқтисодий ресурслар;
- мажбуриятлар – бу олдинги операциялар натижасида вужудга келган иқтисодий ресурсларни ўтказиш бўйича ташкилотнинг мавжуд жорий мажбуриятлари;
- хусусий капитал – бу барча мажбуриятларини айириб ташлагандан кейин қолган ташкилотнинг активлардаги улуши.

Ташкилот 1-сон “Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш” БҲХСга мувофиқ жорий ва узоқ муддатли активлар ва мажбуриятларни баланснинг алоҳида бўлимлари (таснифланган баланс) сифатида акс эттириши лозим. Ликвидлик даражаси бўйича тақдим этиш усули ишончли ва кўпроқ долзарб маълумотларни таъминлайдиган ҳолатлар истисно ҳисобланади. Агар ташкилот таснифланмаган баланс тузадиган бўлса, у барча активлар ва мажбуриятларини ликвидлиги бўйича акс эттириши лозим

Танланган ҳисоботларни тақдим этиш усулидан қатъий назар, ҳисоботлар активлар ва мажбуриятларнинг ҳар бир моддаси бўйича 12 ойдан кўпроқ муддатдан кейин қопланиши ёки камайиши кутилаётган ва қуйидаги муддатлар ичида қопланиши ёки камайиши кутилаётган миқдорларни жамлайдиган миқдорларни ёритиб бериши керак:

- ҳисобот санасида кейин 12 ойдан кўп бўлмаган муддат ичида, шунингдек
- ҳисобот санасидан кейин 12 ойдан кўп муддат ичида.

Жорий активлар

Жорий активлар – бу шундай активларки, ташкилот:

- сотилишини кутаётган ёки реализация қилишни режалаштираётган ёки ўзининг одатдаги операцион циклида истеъмол қиладиган;
- асосан савдо мақсадлари учун сақлайдиган;
- ҳисобот даври тугаганидан кейин 12 ой ичида сотишни кутаётган; ёки
- айирбошлаш ёки ҳисобот даври тугаганидан кейин 12 ой ичида мавжуд мажбуриятларни камайтириш учун фойдаланишга чекловлар мавжуд бўлган ҳолатлардан ташқари, ўзида пул қийматини ёки пул эквивалентини акс эттирадиган (7-сон БҲХСда белгиланганидек) актив.

Бошқа барча активлар узоқ муддатли активлар сифатида таснифланади.

Операцион цикл ишлаб чиқариш учун активларни сотиб олиш ва уларни пул маблағларига айлантириш орасидаги оралиқ вақтни акс эттиради. Агар одатий операцион

циклни аниқ фарқлашнинг иложи бўлмаса, у 12 ойга тенг деб фараз қилинади. Одатдаги операцион циклнинг бир қисми сифатида сотиладиган, истеъмол қилинадиган, реализация қилинадиган захиралар ва дебиторлик қарзлари, ҳаттоки уларнинг реализацияси ҳисобот даври тугаганидан кейин 12 ой ичида кутилмаётган бўлса ҳам, жорий активлар сифатида таснифланади. Шунингдек жорий активлар таркибига савдо мақсадлари учун мўлжалланган (масалан, 9-сон “Молиявий инструментлар” МҲҲСга мувофиқ “савдо учун мўлжалланган” таърифига жавоб берувчи айрим молиявий активлар) активлар ва узок муддатли молиявий активларнинг жорий қисми киритилади.

Жорий мажбуриятлар

Мажбурият жорий мажбурият сифатида таснифланади, агар:

- ташкилот уни ўзининг одатдаги операцион цикли доирасида бажаради деб фараз қилса;
- ташкилот уни биринчи навбатда савдо мақсадида сақлаб турса;
- ушбу мажбурият ҳисобот даври тугаганидан кейин 12 ой ичида бажарилиши керак бўлса;
- ҳисобот даври тугаши санасига ташкилотда ҳисобот даври тугаганидан кейин 12 ой ичида мажбуриятни бажаришни кечиктириш ҳуқуқи бўлмаса.

Бошқа барча мажбуриятлар узок муддатли деб таснифланади.

Активлар ва мажбуриятларни таснифлаш учун худди шундай одатий операцион цикл қўлланилади.

Савдо операциялари учун сақланадиган молиявий мажбуриятлар, банк овердрафтлари, шунингдек узок муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми, дивидендлар тўлаш бўйича мажбурият, фойда солиғи ва бошқа савдога боғлиқ бўлмаган кредиторлик мажбуриятлари жорий мажбуриятларга мисол бўлади.

Узок муддатли молиялаштиришни таъминлайдиган (яъни, ташкилотнинг одатдаги операцион циклида фойдаланиладиган айланма капиталнинг бир қисми ҳисобланмайдиган) ва ҳисобот даври тугаши санасига ҳисобот даври тугаганидан кейин 12 ой ичида тўланиши лозим бўлмаган молиявий мажбуриятлар узок муддатли мажбуриятлар ҳисобланади.

8.2. Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот (баланс) камида қуйидагилар бўйича миқдорларни акс эттирувчи моддаларни ўз ичига олиши лозим:

- а) асосий воситалар;
- б) инвестиция кўчмас мулки;
- в) номоддий активлар;
- г) молиявий активлар д), ж) и з) хатбошиларида кўрсатилган қийматлардан ташқари);

г.а) 17-сон “Суғурта шартномалари” МҲҲСни қўллаш соҳасига доир бўлган, яъни 17-сон МҲҲС (IFRS)га мувофиқ алоҳида акс этирилиши талаб қилинадиган тегишли активларга доир шартномалар гуруҳлари;

д) улушли қатнашиш усулидан фойдаланган ҳолда ҳисобга олинадиган инвестициялар;

е) 41-сон “Қишлоқ хўжалиги” БҲҲС (IAS)ни қўллаш соҳасига доир биологик активлар;

- ё) захиралар;
- ж) савдо ва бошқа дебиторлик қарзлари;
- з) пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари;
- и) сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган активларнинг ва 5-сон “Сотиш учун мўлжалланган узок муддатли активлар ва тугатилган фаолият” МҲҲСга мувофиқ сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳга киритилган активларнинг умумий қиймати;

й) савдо ва бошқа кредиторлик қарзлари;

к) баҳоланган мажбуриятлар;

л) (й) ва к) хатбошиларида кўрсатилган қийматлардан ташқари) молиявий мажбуриятлар;

л.а) 17-сон “Суғурта шартномалари” МҲХСни қўллаш соҳасига доир, яъни 17-сон МҲХСга мувофиқ алоҳида акс эттирилиши талаб қилинадиган тегишли мажбуриятларга доир шартномалар гуруҳлари;

м) 12-сон “Фойда солиқлари” БҲХСда белгиланган жорий солиқлар бўйича мажбуриятлар ва активлар;

н) 12-сон БҲХСда белгиланган кечиктирилган солиқ мажбуриятлари ва кечиктирилган солиқ активлари;

о) 5-сон МҲХСга мувофиқ сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳга киритилган мажбуриятлар;

п) хусусий капитал таркибида акс эттирилган назорат кучига эга бўлмаган улуш;

р) бош ташкилотнинг таъсисчиларига тегишли бўлган чиқарилган капитал ва захиралар.

Қўшимча моддалар, сарлвахалар ва оралиқ натижалар МҲХС талабларига мувофиқ ёки ташкилотнинг молиявий ҳолатини ишончли акс эттириш учун шундай тақдим этиш зарур бўлганда тақдим этилади. Тўлиқ баён этиш даражаси МҲХС талабларидан ва тегишли сумманинг ҳажми, хусусияти ва мақсадига боғлиқ.

Балансда ёки унга изоҳларда ташкилот фаолиятининг хусусиятига мувофиқ таснифланган бир даражадаги моддаларнинг кейинги ички гуруҳлари ёритиб берилади. Масалан, асосий воситалар объектлари 16-сон “Асосий воситалар” БҲХСга мувофиқ гуруҳларга бўлинади; дебиторлик қарзлари харидорларнинг қарзлари, боғлиқ томонларнинг қарзлари, олдиндан тўловлар ва бошқа суммаларга бўлинади; захиралар 2-сон “Захиралар” БҲХСга мувофиқ товарлар, хом-ашё ва материаллар, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотга бўлинади.

8.3. Молиявий ҳисоботларда ёки унга изоҳларда капиталга доир қуйидаги маълумотлар ёритиб берилиши лозим:

а) акционерлик капиталининг ҳар бир гуруҳи учун:

чиқаришга рухсат берилган акциялар сони;

чиқарилган ва тўлиқ тўланган акциялар, шунингдек чиқарилган, лекин тўлиқ тўланмаган акциялар сони;

акцияларнинг номинал қиймати ёки акция номинал қийматга эга эмаслиги бўйича кўрсатма;

давр бошига ва давр охирига муомалада бўлган акциялар сонининг солиштирмаси;

тегишли гуруҳ билан боғлиқ ҳуқуқлар, имтиёзлар ва чекловлар, шу жумладан

дивидендларни тақсимлаш ва капитални қайтариш бўйича чекловлар:

ташкилот ёки унинг шўба ёки таъсир остидаги ташкилотлари томонидан сақланаётган хусусий акциялар;

опцион ва сотиш шартномалари бўйича эмиссия учун ажратилган акциялар, эмиссия қилиш шартлари ва суммалари;

б) капитал таркибидаги ҳар бир резервнинг хусусияти ва мақсади.

Акционерлик капитали мавжуд бўлмаган ташкилот юқорида кўрсатилганларга эквивалент маълумотларни ёритиб бериши лозим.

9. Умулалашган даромад тўғрисидаги ҳисобот

9.1. Умулалашган даромад тўғрисидаги ҳисобот ўз ичига қуйидаги маълумотларни олиши керак:

а) тушумни, шу билан бирга қуйидагилар алоҳида акс эттирилади:

самарали фоиз ставкаси усулидан фойдаланиб ҳисобланган фоиз шаклидаги

тушум;

суғурталаш бўйича тушум (17-сон МҲХСга қаранг);

- б) молиявий харажатлар;
- в) улушли қатнашиш усулидан фойдаланиб ҳисобга олинмаган таъсир остидаги ташкилотлар ва қўшма корхоналарнинг фойда ёки зарарида ташкилотнинг улуши;
- г) солиқ бўйича харажат;
- д) тугатилган фаолият турларининг умумий миқдорини акс эттирадиган ягона сумма (5-сон МҲХСга қаранг).

Юқорида кўрсатилган барча моддалар битта умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда акс этирилиши ёки иккита ҳисоботга бўлиниши мумкин:

- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда а)-е) бандларида кўрсатилган моддалар акс этирилади;

- бошқа моддалар алоҳида умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этилади.

Бундан ташқари, ташкилот умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда тегишли давр учун фойда/зарарнинг тақсимланиши сифатида (агар мумкин бўлса) қуйидаги моддаларни мажбурий тартибда ёритиб бериши лозим:

а) давр учун қуйидагиларга тегишли бўлган фойда ёки зарар:

- назорат кучига эга бўлмаган улушга;
- бош ташкилотнинг таъсисчиларига;

б) давр учун қуйидагиларга тегишли бўлган умумлашган даромад:

- назорат кучига эга бўлмаган улушга;
- бош ташкилотнинг таъсисчиларига.

9.2. Умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот ёки молиявий натижалар тўғрисидаги алоҳида ҳисобот шаклида тақдим этилган унинг қисмини тузишда ташкилот қайси акс этириш ишончли бўлишидан ва кўпроқ муҳим маълумотни беришидан келиб чиққан ҳолда а) харажатларнинг хусусиятига ёки б) уларнинг ташкилот ичидаги мақсадига асосланиб молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда тан олинган харажатлар таҳлилини тақдим этиши лозим.

а) “харажатларнинг хусусияти бўйича” усули

Мазкур гуруҳлашга мувофиқ ташкилот молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда харажатларни уларнинг хусусиятига кўра жамлайди (масалан, асосий воситаларнинг амортизацияси, материаллар хариди, транспорт харажатлари, ходимларга даромадлар ва рекклама харажатлари) ва ташкилот ичидаги мақсадларни турли хил эканига кўра қайта тақсимламайди.

“Харажатларнинг хусусияти бўйича” усулидан фойдаланиб гуруҳлашга мисол қуйидаги кўринишда акс этади:

- тушум
- бошқа даромадлар
- тайёр маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқариш захиралари қийматидаги ўзгариш
- хом-ашё ва материаллар
- ходимларга даромадлар
- амортизация
- бошқа харажатлар
- жами харажатлар
- солиқ солингунча фойда (зарар)

б) “харажатларнинг мақсади бўйича” (ёки “сотиш таннархи бўйича”) усули

Мазкур гуруҳлашга мувофиқ ташкилот харажатларни уларнинг мақсадига кўра сотиш таннархи қисми сифатида ёки масалан, сотиш харажатлари ёки маъмурий харажатлар сифатида акс эттиради. Ташкилот ушбу усул доирасида камида ўзининг сотиш таннархини

бошқа харажатлардан алоҳида ёритиб беради.

“Харажатларнинг мақсади бўйича” усулидан фойдаланиб гуруҳлашга мисол қуйидаги кўринишда акс этади:

- тушум
- сотиш таннархи
- ялпи фойда
- бошқа даромадлар
- сотиш харажатлари
- маъмурий харажатлар
- бошқа харажатлар
- солиқ солингунча фойда

Харажатларни таҳлил қилиш усуллариининг ҳар бири маълумот олиш учун бухгалтерия ҳисобини тегишли ташкил этиш ва фойдаланувчилар учун маълумотларнинг аҳамияти нуқтаи назаридан ўзининг афзалликлари ва камчиликларига эга. Кўрсатилган иккита усулдан бирини танлаш ташкилот раҳбарияти ихтиёрида қолади.

Аммо, агар ташкилот харажатларни мақсади бўйича гуруҳласа, ташкилот амортизация харажатлари ва ходимларга даромадларни ўз ичига олган ҳолда харажатларнинг хусусияти бўйича маълумот ёритиб бериши лозим бўлади.

10. Хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот

10.1. Хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботда қуйидаги маълумотлар тақдим этилади:

а) давр учун бош ташкилотнинг таъсисчиларига ва назорат кучига эга бўлмаган улушларга тегишли бўлган жамланма суммаларни алоҳида акс эттирувчи жами умумлашган даромад;

б) хусусий капиталнинг ҳар бир таркибий бирлиги учун 8-сон “Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар” БҲХСга мувофиқ тан олинган ретроспектив равишда қўллаш ва ретроспектив равишда қайта ҳисоблаш таъсири;

в) хусусий капиталнинг ҳар бир таркибий бирлиги учун ҳар бир ўзгаришни алоҳида ёритиб бериш билан давр бошига ва охирига баланс қийматининг солиштирмаси.

Ташкилот хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботда ёки Изоҳларда давр давомида таъсисчилар фойдасига тақсимланган сифатида тан олинган дивидендлар суммаси ва бир акцияга тўғри келадиган дивидендлар суммасини акс эттириши лозим.

11. Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот

11.1. Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот операциялар, инвестиция ва молиявий фаолият бўйича пул оқимлари таснифи билан давр учун пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни акс эттириши лозим.

11.2. *Инвестиция* фаолиятига қисман қуйидаги операциялар олиб борилади:

узоқ муддатли активларни сотиб олиш ва сотиш;

бошқа ташкилотларнинг улушли ёки қарз инструментларини сотиб олиш ва сотиш, лекин фақатгина бундай инструментлар пул маблағлари эквивалентлари сифатида қаралмаса ва тижорат ва савдо мақсадлари учун мўлжалланмаган бўлса. Масалан, қисқа муддатда сотиш мақсадида давлат ғазначилик векселлари, бошқа компанияларнинг акцияларини сотиб олиш бўйича операциялар инвестиция фаолиятига эмас, операция фаолиятга олиб борилади;

молия институтлари томонидан берилган кредитлардан ташқари, бошқа ташкилотларга/бошқа ташкилотлар томонидан кредитлар бериш/тўлаш.

11.3. 7-сон “Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот” БҲХС операциялар

бўйича тушумлар ва тўловлар ўзаро ҳисоб-китоб қилинадиган ва ҳисоботга қолдик киритиладиган алоҳида ҳолатларда операцион, инвестиция ва молиявий фаолият бўйича пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот нетто усулда тузилиши мумкинлигини назарда тутати.

Ташкилотнинг нетто усулдан фойдаланиши мумкинлигини аниқлаш учун 7-сон БҲХСнинг 22-24 бандларида белгиланган қоидаларга эътибор қаратиш керак.

11.4. Фоизлар ва дивидендларни олиш ёки тўлаш билан боғлиқ пул маблағлари тушумлари ва тўловлари алоҳида ёритиб берилади ва операцион, инвестиция ёки молиявий фаолиятдан пул маблағлари ҳаракати сифатида таснифланади. Шундай қилиб, тўланган ва олинган фоизлар операцион, молиявий ёки инвестиция фаолиятдан пул оқимлари сифатида таснифланиши мумкин; тўланган дивидендлар молиявий ёки операцион фаолиятдан пул оқимлари сифатида таснифланиши мумкин.

12. Молиявий ҳисоботга изоҳлар

12.1. Ташкилот молиявий ҳисоботларга Изоҳларда қуйидаги маълумотларни тақдим этади:

- молиявий ҳисоботларни тайёрлаш асослари ва танланган ҳисоб сиёсати;
- молиявий ҳисоботларда акс эттирилмаган, лекин МҲХС томонидан ёритиб бериш талаб қилинадиган маълумотлар;
- молиявий ҳисоботларнинг ҳеч қаерида акс эттирилмайдиган ва балки унинг ёритиб берилишини МҲХС томонидан талаб қилинмайдиган, лекин молиявий ҳисоботларнинг ихтиёрий бирортасини тушуниш учун муҳим бўлган маълумотлар.

Ташкилот, шунингдек, қуйидагиларни ёритиб беради:

- юридик манзил (ёки агар юридик манзилдан фарқ қилса, бизнес юритишнинг асосий жойи), ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи;
- операциялар хусусияти ва асосий фаолият турини тавсифлаш;
- бош ташкилотнинг номи ва гуруҳнинг асосий бош ташкилоти;
- чекланган муддатга ташкил этилган ташкилотлар учун ташкилот фаолиятининг давомийлиги тўғрисида маълумот;
- молиявий ҳисоботларни эълон қилиш учун тасдиқлашгача таклиф қилинган ёки эълон қилинган, лекин ҳисобот даврида таъсисчиларга тақсимланадиган сифатида тан олинмаган дивидендлар суммаси ва бир акцияга тўғри келадиган тегишли сумма;
- тан олинмаган кумулятив имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар миқдори.

12.2. Молиявий ҳисоботларга изоҳлар, иложи борича, тартибланган кўринишда тақдим этилиши ва қуйидаги тартибда тизимлаштирилган бўлиши лозим:

- МҲХСга мувофиқлиги баёноти;
- қўлланиладиган ҳисоб сиёсатининг асосий қоидалари;
- молиявий ҳисоботга тушунтирувчи маълумот. Масалан, молиявий ҳисобот шаклларида тақдим этилган моддаларни очиқ бериш ва таҳлил қилиш;
- 37-сон “Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар” БҲХСга мувофиқ шартли мажбуриятлар ва келгусидаги операциялар бўйича тан олинмаган шартнома мажбуриятлари;
- номолиявий маълумот. Масалан, 7-сон “Молиявий инструментлар: маълумотларни ёритиб бериш” МҲХСга мувофиқ ташкилотдаги молиявий рискларни бошқариш мақсади ва сиёсати тўғрисида.

12.3. Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш асослари ва ҳисоб сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисидаги маълумотлар Изоҳларда эмас, молиявий ҳисоботларнинг алоҳида таркибий қисми сифатида тақдим этилиши мумкин.

12.4. Молиявий ҳисоботларда Изоҳларда жойлаштирилган ҳисоботнинг маълум бир моддасига тегишли маълумотларга ҳаволалар кўрсатилади.